

TERRA INCOGNITA

КЕЛАЖАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ ЁХУД HUAWEI КОМПАНИЯСИ ҲАҚИДА БИЗ БИЛМАГАН ФАКТЛАР



Huawei – жаҳондаги етакчи инфокоммуникацион лойиҳаларни етказиб берувчи компания ҳисобланади. Унинг мақсади коммуникацион технологиялар орқали одамларнинг ҳаётига ранг-барангликни олиб кириш ва ўзаро мулоқотлар орқали уни мазмунан бойитишдан иборат.

Компания асосан технологиялар бозорида мижозларнинг эҳтиёжларини ўрганиб, уларга мўлжалланган инновацион лойиҳа ва ишланмаларни тақдим этади, телекоммуникацион тармоқлар, терминал лойиҳалар ва булутли ҳисоб-китоб тизимлари орқали хизмат кўрсатади.

Компаниянинг нима учун Huawei номланиши кўпчилик учун кизиқарли бўлиши табиий. Чунки ҳар қандай компания ўзига ном топишда қандайдир мақсадни кўзлайди ва бу ном муайян мазмунни ўзида ифода этади. Бундан Huawei компанияси ҳам мустасно эмас. Хабардор.уз сайтининг маълумотларига кўра, компаниянинг номиниунинг асосчиларидан бири Рен Женфей 1987 йилда ўйлаб топган бўлиб, у “Ua-Vey” деб ўқилади. “Huawei” сўзи иккита “Hua” – Хитой ва “Wei” – ютуқ иероглифларидан ташкил топган. У ўзбек тилига “Хитой ютуғи” деб таржима қилинади. Шунингдек, бошқа таржимасида “аъло ҳаракат” деган мазмунни ҳам ифодалайди.

Ўз бизнесини бошламоқчи бўлганлар олдида турадиган асосий тўсиқлардан бири бу сармоя масаласидир. Яъни, бизнес фаолиятини ўртача қанча сармоя билан бошлаш мумкин, деган савол кўпчилик учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Аммо аниқ ғоя ва мақсад бўлса, сармоянинг ечими топилади. Бунга Huawei компанияси фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин. Чунки бугун дунёнинг энг қиммат брендлари рўйхатидан ўрин олган мазкур компания бундан ўттиз йил илгари, аниқроғи 1987 йилда ўз фаолиятини 21000 минг юан жамғарма билан бу тахминан 5680 долларга тенг) бошлаган. Дастлаб компания АТСлар учун қурилма ишлаб чиқариш билан ишини бошлаган бўлса, ҳозирда тармоқли бирлашиш, сифатли алоқа

назорати, бошқарув хизматлари, логистика ва иқтисодийнинг бошқа соҳаларига тааллуқли технологиялар билан хизмат кўрсатади. У нафақат истеъмол техникасини ишлаб чиқаради, балки ўз процессорларини тайёрлайдиган санокли компаниялардан бири ҳисобланади.

Ўтган 30 йил давомида компания жуда катта ютуқларга эришди. Американинг Fast Company журнали ўтказган жаҳоннинг инновацион компаниялари рейтингда Huawei жаҳонда машҳур Facebook, Amazon, Apple, Google компанияларидан сўнг энг инновацион компанияларнинг биринчи бешлигига кирган. 2016 йилда компаниянинг соф даромади 11миллиард долларни ташкил қилди.



Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан ўзбекистонликбир гуруҳ журналистлар – Хитойга қилган сафаримиз чоғида дастлабки расмий ташрифимиз Huawei компаниясининг Шэньдзэндаги бош офисидан бошланди. Микроавтобусимиз пештоқига Huawei компаниясининг камалак рангли нилуфар гул белгиси туширилган маҳобатли бино ёнига келиб тўхтади. Бу ерда бизни компаниянинг бозор ва савдони қўллаб-қувватловчи департаменти маркетинг бўйича менежери Илья Бровашов кутиб олиб,ичкарига бошлади. Аввалига компаниянинг кўргазмалар залига экскурсия қилдик. Кенг ва ёруғ залларда компаниянинг ташкил топгандан то

ҳозиргача бўлган фаолияти давомида эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ўрин олганди. Кўргазманинг бошида катта деворда компания қўлга киритган патентлар намуналари ўрин олганди. Илья Бровашовнинг айтишича, бундай патентлар сони ҳозирда 56 мингдан ортган. Шу ўринда маълумот учун яна бир фактни келтириб ўтиш жоиз. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти таҳлилларига кўра, Huawei компанияси икки йилдан бери патент аризаси топширганлар рўйхатида етакчилик қилмоқда. Шунга кўра, компания 2015 йилда 3898 та ариза топширган, бу 2014 йилга нисбатан 456 та кўп демакдир. Айнан ана шу халқаро патентлар бўйича

Huawei компанияси “Qualcomm”, “Samsung” ва “Sony” каби гигантларни ортида қолдирган.

Эътиборимизни тортган дарахт шаклидаги кейинги экспонатда компаниянинг ҳамкорлик алоқалари акс этганди. Гўё дарахтнинг танаси компания бўлса, унинг шоҳлари бошқа компаниялардир. Табиийки бу рамзийликда ҳам ўзига хос маъно бор. Чунки ўтган вақт мобайнида дунёнинг 170 та мамлакатда компаниянинг офис, завод ва лабораториялари пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда Huawei компаниясида 170 мингга яқин ходим фаолият олиб бориб, корхоналар, ташкилотлар ва фойдаланувчиларга инновацион технологиялар бўйича рақобатбардош хизматларни таклиф этиб, мижозлари учун максимал шароитлар яратишга ҳаракат қилади. Маркетинг бўйича менежернинг айтишича, биз ташриф буюрган Шэньджендаги бош офисда тахминан 40000дан зиёд ходим ишлар экан. Жаҳоннинг 170 дан зиёд мамлакати, ер шари аҳолисининг учдан бир қисми компаниянинг инновацион маҳсулотлар, лойиҳа ва хизматлардан фойдаландилар. Компания хусусий ҳисобланиб, унга тўлиғича ходимлар эгалик қилади. У смартфонлар, планшетлар, кенг йўлкали очиқ мобил қурилмалари ишлаб чиқаради ва уйлар учун лойиҳалар яратади. Huawei дунёдаги смартфонлар ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялар учлигига киради. 2015 йилда компания иккинчи мартаба халқаро 100 Top брендига Best Global Brand рейтингга киритилди.

Кўргазмага қўйилган ҳар бир экспонатнинг олдидаги мониторларда шу қурилманинг ишлаши билан боғлиқ видео тасвирлар намойиш этилади. Шунга қарамай биз маркетинг бўйича менежер Илья Бровашовга компания маҳсулотлари ва хизматлари бўйича пайдо бўлган қўшимча саволларни берардик. У ҳар бир саволга атрофлича, иложи борича кўргазмани жавоб беришга ҳаракат қиларди. Бу ерда биздан ташқари бир хил кийинган бир гуруҳ йигит-қизлар ҳам компания экскурсоводи бошчилигида экспонатларни томоша қилардилар. Менежернинг айтишига қараганда, улар университет талабалари бўлиб, бу ерда амалиёт ўтаётган эканлар. Илья Бровашов бизга компания вице президенти билан учрашув вақти бўлиб қолганини эслатди.



Шу залда эсдалик учун гуруҳимиз билан суратга тушдик. Кўргазмадан компания ҳақида катта таас-суротлар билан учрашувлар залига ўтдик.

Компаниянинг ташқи алоқалар бўлими вице-президенти Уолтер Женнингс бизни узок

куттирмади. У бизга компаниянинг фаолияти ҳақида инглиз тилида тақдимот қилиб берди. Унинг гапларини Huawei компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси хо-дими Дун Айбо рус тилига таржима қилиб турди. Тақдимотдан кейин савол-жавоблар бошланди. Дастлаб Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими бошлиғи Муҳаммаджон Обидовнинг, “Huawei дунё рейтингида жуда тез ривожланиб бораётган компаниялардан бири, деб эътироф этилди. Бунинг асосий сабаби нимада, деб ўйлайсиз”, деган саволига Уолтер Женнингс шундай жавоб берди:

– Биласизми, мен ўзим ҳам шу саволга ҳамиша жавоб излайман. Мана каранг, бундан 30 йил аввал, яъни 1987 йилда жаноб Жень Чжэнфэя атиги 5680 доллар низом жамғармаси билан иш бошлаган. 2016 йилда компания 75,6 миллиард долларлик товар айланмасига эришди. Ақл бовар қилмас юксалиш! Биз учун чегараланган иш вақти, деган тушунчанинг ўзи йўқ. Биз ҳар доим, кабинетда, корхонада, тушликда, брифингларда, куну-тун иш жараёнида бўламиз, иш ҳақида ўйлаймиз ва сўзлаймиз. Ишонинг, айрим лойиҳалар муҳокамаси ҳатто тушимда ҳам давом этгандек бўлади. Компаниянинг каттадан кичигигача ҳаммаси фидойи одамлар. Бу баландпарвоз гап эмас. Компания иқтисодий равнақи, даромади, нуфузидан барча баробар манфаатдор. Компания аъзоси, у ишчиси, муҳандиси, бошқарувчиси, қайси лавозимда бўлмасин – акциядор бўлиши керак. Акциялар улар орасида тақсимланган. Компания асосчиси жаноб Жень Чжэнфэя эса ўзида 1,4 фоиз акция қолдирган холос.

Шунингдек, вице президентнинг юқоридаги саволга берган жавобига қўшимча қилиб, компаниялар мунтазам янги-янги лойиҳалар устида иш олиб боришини, эндиликда юздан зиёд пойтахт шаҳарларда компаниянинг “Хавфсиз шаҳар” лойиҳаси ишга тушганлигини, 300 дан зиёд молия идораси, аввало энг йирик ва машҳур банклар тизими, сув кемалари, темир йўл ҳаракати бундай хизмат туридан фойдаланаётганини қайд этди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, биргина 2016 йилда компания томони дан 130 миллион дона Huawei бренди билан смартфонлар сотилган. Дунёнинг 16 та мамлакатада йирик илмий марказлар ташкил этилган бўлиб, улар маҳсулотларни такомиллаштириш, янги лойиҳалар ишлаб чиқиш устида изланиш олиб боради. Компания ҳар йили даромаднинг 10–15 фоизини ана шу илмий марказларга сарфлайди. Вице президентнинг айтишича, 2016 йилда компаниянинг даромади 7,5 миллиард долларни ташкил этди.

Муҳаммаджон Обидовнинг “бугун Huawei маҳсулоти кириб бормаган, унинг хизматидан фойдаланмайдиган Ўзбекистонда бирон хонадон

колмади”, деб бошлаган фикрига Уолтер Женнингс “бизнинг маҳсулот ёки хизматдан дунёнинг ҳар учинчи одами фойдаланади”, деди қўшимча қилиб.

– Шундай экан, истиқбол режалари қандай, – деб сўради Муҳаммадjon Обидов.

– 1999 йилда Ўзбекистон алоқа ва телекоммуникация бозорига кириб келдик. “Юнител”, “Билайн”, “Ўзмобиайл” бизнинг лойиҳалар асосида ишлади. Ҳозир юртингиздаги бўлинмамизда 300 дан зиёд мутахассис бор, уларнинг 75 фоизи маҳаллий ёшлардир. Мақсадимиз Ўзбекистонда фақат бизнесимизни ривожлантиришигина эмас. Тошкент инфорацион технологиялар Университетига оталик ёрдами кўрсатамиз. Янги ишланмалар, ёш олимлар, иқтидорли талабаларни рағбатлантириш жамғармаси бор. 200 дан зиёд талаба ва мутахассис Huawei компаниясида малака оширди. Бу йилдан ИНХА университети талабалари ҳам Хитойда амалиёт ўтайдилар. Бундан ташқари, мамлакатингизда стол тенниси, бокс федерацияларини кўллаб турамиз. Ҳозир эса “Ўзбектелеком” билан ҳамкорликда жуда катта сифимга эга электрон ахборот банкни, халқ таълими вазирлиги билан электрон таълим тизимини яратмоқдамиз. “Трансгаз” тармоғига SCADA Telecom лойиҳасини тақдим этдик. Буларнинг ҳар бири Ўзбекистон учун аҳамиятли лойиҳалардир.

Ўзбекистон хорижий инвесторлар учун қулай муҳит ва қонунчилик асосларини яратган. Қолаверса, дунёда ўзбек халқидек очик кўнгил, меҳмондўст одамларни учратмаганман. Шунинг учун келгусида Huawei Ўзбекистонда фаолиятини кенгайтириш, ҳамкорлик тармоқларини кўпайтириш ниятида. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасини компьютерлаштириш, симсиз алоқа ахбороти хавфсизлигини мустаҳкамлаш, смартфон, фотоаппарат ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рақамли технологияни кенг жорий этиш, инфорацион технологиялар илмий марказини очиш каби лойиҳалар устида ишлар олиб борилмоқда. Ўйлайманки, уларнинг жорий этилиши Ўзбекистон иқтисодиётига ижобий таъсир қилиш билан бирга аҳоли турмуш даражасини янада юксалишига хизмат қилади.

“Ўзбекистон овози” – “Голос Узбекистана” газеталари бош муҳаррири Сафар Остоновнинг “Компания қандай шиор асосида ишлайди”, деган саволига Уолтер Женнингс,– Очиклик, дўстлик, ишонч асосида,– деди ҳозиржавоблик билан.

– 170 минглик жамоа бир тану бир жондек ишламаса, бугунги натижага эришиб бўлмасди. Биз ҳар биримизга ишониб ишлашимиз керак. Шунинг учун ички сиёсатда очиклик принципини танлаганмиз. Ҳатто компания

бошқарувида ҳам шундай. Раиснинг учта ўринбосари бор ва улар навбат билан олти ойдан компанияни бошқарадилар. Инсоний дўстлик туйғуси вужудимизда. Натижадан қониқмаслик, олға интилиш муваффақият калити, деб ҳисоблаймиз.

Дунё онлайн ахборот тизимига ўтиб боряпти. Биз шундай услубда келгусида ахборот матни ва тасвирини узатадиган смартфонлар ишлаб чиқаришни беш баробар кўпайтирмоқчимиз....

Стратегик режаларимиз компаниянинг ички хизмат ахбороти бўлсада, уни ўзбекистонлик ўқувчилар билан баҳам кўрмоқчи бўлдик. Биз Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаймиз ва уларни амалга оширишга бироз улушимиз кўшилишидан бахтиёрмиз. Ўзбекистон Президенти жаноб Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга Давлат ташрифи ғоят самарали бўлди ва имзоланган ҳамкорлик шартномаларининг бири Huawei компанияси билан экани бизда фахр уйғотади. Биз ҳали биргаликда янада юксакроқ марраларни эгаллаймиз.

Суҳбат самимий ва дўстона руҳда ўтди. Учрашув сўнгида Huawei компанияси вице президенти Уолтер Женнингсга ҳурмат ифодаси сифатида Ўзбекистон рамзи туширилган эсдалик совғалар топширилди.

Huawei компанияси дастлаб ўз фаолиятини бошлаганда, унинг маҳсулотларига шубҳа билан қарашган ва тез орада касодга учрай деб ўйлашганди. Лекин амалда бунинг акси бўлди. Унинг ютуғи шунда эдики, дунё миқёсида брендга айланган рақобатбардош маҳсулотларга нисбатан арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тез эътиборга тушди ва машҳур бўлиб кетди. Бугун Huawei компаниясини жаҳон тан олди. У ўз халқини сифатли техника билан таъминлаб қолмай, балки истиқболда мамлакатнинг тараққиётига хизмат қилувчи таянч компанияга айланади. Ўзбекистонлик журналистлар Huawei компаниясига ташрифи давомида жуда катта таассуротга эга бўлишлари билан бирга, унинг чиндан ҳам исми жисмига мослигини, яъни аъло ҳаракатда эканлигини ҳам тан олдилар.

Назира ҚУРБОН, журналист.